

**МАНТИҚИЙ РАДДИЯ** — тезиснинг асоссизлигини исботлаш. М.р. тезисга, аргументга ёки демонстрацияга қарши қаратилган булади. Шунга мувофиқ М.р.нинг уч усули мавжуд: 1) тезисни рад этиш; 2) аргументларни танқид қилиш; 3) демонстрациянинг асоссизлигини исботлаш. Тезис қуйидаги уч усулда рад этилади: 1) далиллар орқали — бу энг тўғри рад этиш усули. Бунда тезисда зид келадиган далиллар келтирилади. Мас., “Венерада органик ҳаёт бўлиши мумкин” деган тезисни рад этиш учун Венера сайдераси сатҳида иссиқлик 470-480 даража, босим 97-98 атмосфера бирлигига эга эканлигини кўрсатувчи маълумотларни келтириш кифоя. Бундай шароитда органик ҳаётнинг бўлмаслиги равшан. 2) тезисдан келиб чиқувчи хулосаларнинг нотўғри (зиддиятли) эканлигини аниқлаш; 3) антитетисни исботлаш йўли б-н тезис рад этилади. Антитетис чин бўлса, тезис нотўғрилиги ўз-ўзидан мантиқан келиб чиқади. М.р.нинг яна бир усули – бу тезисни асослаш учун илгари сурилган аргументлар нотўғрилиги ёки асоссизлиги исботлаб берилади. Рад этишнинг учинчи усули – исботлаш жараёни (демонстрация)нинг асоссизлигини аниқлашдан. Демонстрация жараёнидаги хатоларни аниқлаш б-н тезис рад этилмайди, факат унинг исботи асоссиз эканлиги кўрсатилади. М.р.нинг юқорида санаб ўтилган уч усули қўшиб амалга оширилиши ҳам яхши самара беради.